Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 73 (8563). ● 12 апрель, 1985 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қатнашчилари айтган таклифлар, илтимослар ва танқидий мулоҳазаларни кўриб чиқди. Партия комитетларига, Госпланга, министрликлар ва идораларга тегишли топшириқлар берилди, шу топшириқларнинг амалга оширилиши устидан контроллик ўрнатилди.

Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотларининг станоклардан фойдаланишни яхшилаш соҳасидаги иши муҳокама қилинди. Область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига сменалар коэффициентини ошириш ва жами асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга жалб этиш юзасидан планда белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилиши устидан хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва оқилона ташкил этиш, турдош касбларни эгаллаб олган ва кўп станокларда ишлашга ўтаётган, иссиқ цехларда ишлаётган ходимларни маънавий ҳамда моддий рағбатлантириш устидан контроллик ўрнатиш таклиф қилинди.

Касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, раҳбарларнинг диққат-эътибори меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини ошириш, кадрларнинг ўрнашиб қолиши ва уларнинг қўнимсизлигини қисқартириш, янги техникани жорий этиш, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш, кечки сменаларда унумли ишлаш учун корхона меҳнатчиларига дуруст социал-маиший шароитларни яратиб бериш зарурлигига қаратилди.

Марказий Комитет бюроси Қорақалпоғистон АССРда социалистик мулкни ўғирлашга, порахўрлик ва чайқовчиликка қарши кураш қандай бораётганлиги масаласини кўриб чиқди. Область партия ташкилотидан, Автоном Республика Совет ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларидан, министрлик ва идоралардан салбий ҳодисаларни батамом тугатиш соҳасидаги фаолиятни кучайтириш, бу фаолиятни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажариш, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш, уларни халқ мулки сақланиши учун масъулиятини ошириш соҳасидаги тадбирлар билан узвий равишда қўшиб олиб бориш талаб қилинди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, министрликлари ва идораларига айниқса халқ хўжалигининг қуйи бўғинларида давлат ҳисоботини қатъий йўлга қўйишни таъминлаш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликни тугатиш, ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан, хом ашё ва материалларни ишлатиш устидан контролликни кучайтириш, хўжасизликка, исрофгарчиликка, ғаразли жиноятларга имкон берадиган сабаблар ва шароитларни сабот билан тугатиш таклиф қилинди. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари коммунистик ахлоқ ва Совет ҳуқуқи нормаларини бузувчилар теварагида принципиал жамоат фикрини вужудга келтиришлари керак. Салбий ҳодисаларга қарши курашда меҳнат коллективларининг ролини ошириш, ишчи контролидан, халқ дружиналаридан, оператив комсомол отрядлари, ўртоқлик судларидан активроқ фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги партия бюросининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка қарши курашни кучайтириш учун аппарат коммунистларининг масъулиятини ошириш тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Марказий Комитет бюроси Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги партия бюросининг ишини қониқарсиз деб топди. Партия бюроси тармоқни ривожлантиришнинг актуал масалаларини ҳал этиш чоғида коллегиянинг фаолиятига, министрлик коллективида ишчанлик вазиятини вужудга келтиришга дуруст таъсир ўтказмаяпти. Партия бюроси аппарат ишининг натижаларига баҳо беришда, коммунистларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш чоғида пайт пойлаш позициясида турибди. Партия ташкилотида партия ва ҳукуматнинг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масалаларига оид директиваларини, ўз қарорлари бажарилиши устидан дуруст контроллик ўрнатилмаган. Министрликда давлатни алдаш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик ҳоллари учун айбдор бўлган кишиларни жавобгарликка тортишда қатъият кўрсатилмаяпти.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг партия бюросига танқидий анализ асосида ўз ишини қайта қуриб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари министрлик коммунистлари, барча ходимларининг фаолиятида асосий йўл-йўриқ бўлиб қолишига эришиш топширилди. Партия қарорларини турмушга татбиқ этишда актив иштирок этиш учун коммунистларга нисбатан талабчанликни ошириш, партия йиғилишларининг сафарбар этувчилик ва тарбиявий ролидан тўлиқроқ фойдаланиш, қабул этилган қарорларни бажаришда жанговарлик позициясини таъминлаш зарур. Аппарат иши устидан контроллик қилувчи комиссиянинг, шунингдек халқ контроли группасининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг самарали ишлашига эришиш лозим.

Министрлик раҳбарларига тармоқдаги салбий ҳодисаларни тугатишга бутун куч-ғайратни қаратиш, барча ходимларни халқ хўжалик планини сўзсиз бажаришга, маиший хизмат ҳажмлари ва сифатини ҳар томонлама оширишга, корхоналарда ва аппаратда интизомни мустаҳкамлашга, муносиб тартиб ўрнатишга сафарбар қилиш таклиф этилди. Халол меҳнат қилишни хоҳламайдиган, давлатни алдайдиган, порахўрлик билан шуғулланадиган шахслардан қатъиян халос бўлиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида совхозларни йириклаштириш ҳамда янги совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР корхоналарида пойабзал ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, унинг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш ҳамда пойабзал савдосини такомиллаштириш юзасидан 1985—1990 йилларга мўлжалланган тадбирлар тасдиқланди. Янги корхоналар қуриш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ҳисобига пойабзал ишлаб чиқариш 1990 йилга бориб 51,6 миллион жуфт миқдорида кўпайтирилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида КПСС иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишнинг, партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий ишининг бошқа бир қанча масалалари муҳокама қилинди.

# ХАЛҚНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

Фашизмни тор-мор этган, Европа мамлакатларини гитлерчилар асоратидан озод қилган, жаҳон цивилизациясини қутқариб қолган совет халқининг жасорати асрлар бўйи сўнмайди. Ҳаётга қадам қўяётган авлодлар Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига тенглашишга ҳаракат қилиб, уларнинг намунаси асосида гражданлик, ватанпарварлик, Ленин партиясининг ишига астойдил содиқлик мактабини ўтмоқдалар. Бунда эса халқнинг тарих хотираси яшаб келаётган совет бадиий маданияти бебаҳо роль ўйнайди.

Совет кишилари каби ижодкор зиёлилар ҳам КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленуми қарорларини қизғин маъқулламоқдалар, КПСС XXVII съездини коммунизм бинокори — совет кишисига муносиб янги илҳомбахш асарлар билан кутиб олишга азму қарор бергандирлар. СССР ижодий союзлари правлениелари ҳамда ташкилотларининг Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган қўшма пленуми буни яққол тасдиқлади. Пленум 10 апрель куни Москвада бўлди.

Йиғилиш аҳли **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В, И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Пленумни СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. Марков очди.

(Давоми 3-бетда)

# М. С. ГОРБАЧЕВ

## АҚШ КОНГРЕССИ ПАЛАТАСИНИНГ СПИКЕРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

10 апрелда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев СССР Олий Советининг таклифига биноан СССРга келган АҚШ конгресси вакиллар палатаси делегациясининг бошлиғи, вакиллар палатасининг спикери Т. О'Нилни Кремлда қабул қилди. М. С. Горбачев билан Т. О'Нил ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси Л. Н. Толкунов ва АҚШ конгресси вакиллар палатасининг аъзолари Р. Майкл, Д. Ростенковски, С. Конте, шунингдек АҚШнинг СССРдаги элчиси А. Хартман иштирок этдилар.

М. С. Горбачев Америка конгресси аъзолари билан саломлашиб, вакиллар палатасининг мўътабар делегацияси СССР Олий Советидаги ҳамкасблари билан актив сиёсий мулоқот ўтказганлиги хусусида мамнуният билдирди. Иккала томон ана шу сиёсий мулоқотни ижобий деб баҳоламоқда. Конгресснинг Америка сиёсий турмушидаги роли бизга маълум, деди М. С. Горбачев, зотан биз Совет-Америка муносабатларини активлаштириш жиҳатларидан бири сифатида парламентлар орқали алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз.

Ҳозир шундай бир вақтки, иккала мамлакатнинг сиёсатини шакллантираётган кишилар албатта бир-бирлари билан суҳбатлашиб туришлари керак. Дунёдаги вазият нотинч, ҳатто хатарлидир, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда эса муз давридагига ўхшаш бир ҳол содир бўлмоқда (ҳеч бўлмаганда энг кейинги вақтларгача шундай эди).

М. С. Горбачев Совет раҳбарлари Совет-Америка муносабатларини нормал ўзанга қайтаришга астойдил интилаётганликларини таъкидлади. Биз шу муносабатларнинг ҳозирги кескинлигига иккала мамлакат миллий манфаатларининг қандайдир тақдири — азал тўқнашуви асос бўлмоқда деб ҳисоблаётганимиз йўқ. Аксинча, бизнинг халқларимиз кенг кўламдаги ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришдан кўп наф кўришлари мумкин. Хавфсизликни таъминлашдан, халқларимиз ҳаётининг ўзини сақлаб қолишдан иборат устун муштарак манфаат уларни бирлаштириб турганлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Мамлакатларимизнинг социал системаларидаги, идеологияларидаги тафовутлар — муносабатларни тўхтатиш ва бунинг устига адоватни авж олдириш учун сабаб эмас.

Ўзаро манфаатли Совет-Америка ҳамкорлиги бемалол мумкинлигини тажриба кўрсатиб турибди. Иккала томон 1972 ва 1973 йилларда имзолаган бир қанча энг асосий ҳужжатлар турли соҳаларда самарали ҳамкорлик пойдеворини яратган эди. Бу эса кескинликни юмшатиш умуман халқаро муносабатларга ёйилишига, жумладан Хельсинкидаги умумевропа кенгашининг муваффақиятли ўтишига кўмаклашди. 1972 йилда СССР билан АҚШ раҳбарлари ўз имзоларини чеккан ҳужжатда мамлакатларимиз ўртасида тинч тотув яшаш — ядро асримиздаги бирдан-бир оқилона йўлдир, деб уқтириб ўтилди.

Бу гап ҳар бир халқнинг ички ишларига аралашмай, бошқа мамлакатларни ўз қолипига солиб ўзгартиришга, бошқа халқларга ўз ҳукмини тиқиштиришга уринишга йўл қўймай, ҳар бир халқнинг ўз турмушини ўзи хоҳлаганича қуриш ҳуқуқини эътироф этишга ҳам таалуқли, албатта.

СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ҳақиқатан ҳам яхшилаш учун, деб таъкидлади М. С. Горбачев, шу мамлакат раҳбарларининг **сиёсий иродаси** зарур. Совет томони шундай иродага эга. Америка томони ҳам бундай иродани намоён этган тақдирда ҳозир бизнинг мамлакатларимизни ажратиб турган кўпгина конкрет масалалар босқичма-босқич ҳал этиб борилади.

М. С. Горбачев, жумладан, Женевадаги Совет-Америка музокараларида иккала мамлакат халқларининг хавфсизлигини таъминлаш, ядро урушининг олдини олиш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди.

Совет Иттифоқи, деди у, Ер юзида тинчлик иши учун ўз халқи олдидаги, бошқа халқлар олдидаги юксак масъулиятни ҳис этаётганлигига амал қилиб АҚШ билан бу янги музокараларга борди. АҚШ музокаралар тўғрисидаги таклифимизни қабул қилганлигидан биз мамнунмиз. Биз салмоқли реал натижалар тўғрисида, стратегик ядро қуроли билан ўртача олисликка учириладиган қуролларни жуда кўплаб қисқартириш тўғрисида аҳдлашиб олишга интилиб, шу музокараларни ҳалол, жиддий олиб бориш учун унда қатнашмоқдамиз. Аммо бу мақсадларга Америка томони қуролланиш пойгасини космосга ёйишдан иборат иғвогарлик режаларидан воз кечган тақдирдагина эришиш мумкин. Америка томони космосда «мудофаа» қуроли ниқоби остида биринчи бўлиб ядро зарбасини жазосиз бериш имкониятини ўзига таъминлаб олишни истамоқда. Айни шу боисдан ердаги ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва космосда шундай пойгага йўл қўймаслик тўғрисидаги масалаларнинг ҳал этилиши — шу йил январь ойида СССР билан АҚШ ўртасида келишиб олинганидек, комплекс ҳолда ҳал этилиши лозим бўлган ягона проблемадир.

АҚШнинг ядро қуролларини қисқартириш ҳусусида шартлашиб олиш ниятидамиз, деб айтаётган гапларини шундай қуролларни кўпайтириш борасидаги жонжаҳд билан қилинаётган кундалик ишлар билан қандай қовуштириш мумкинлигини тушуниш қийин, деди М. С. Горбачев. Америка маъмурияти билан АҚШ пропагандасининг СССР ядро қуролларининг ҳар хил турлари жиҳатидан қандайдир устун эканлиги хусусида қилаётган даъвоси — фактларни тўғридан-тўғри бузиб кўрсатишдир. М. С. Горбачев мана шу барча қурол-яроғлар соҳасида Совет Иттифоқи билан НАТО мамлакатлари ўртасида ҳақиқатан мувозанат, тахминий тенглик мавжудлигини суҳбатдошларига конкрет факт ва рақамлар асосида кўрсатиб берди. Айни шу боисдан СССР халқларининг орзу умидларини оқлашга, Женевадаги музокараларда ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки конкрет натижаларга эришишга ҳамда шу музокараларнинг бундан буён муваффақиятли давом этишини енгиллаштиришга интилиб, жуда табиий ва оқилона ишни: аввало ердаги ядро аслаҳахоналари тобора кўпайтирилишини тўхтатишни, космосда жойлаштириш учун қурол яратишга тайёргарликни тўхтатишни ва шу асосда, ўзаро ишонч шу тариқа мустаҳкамланган бир шароитда тўпланган қурол запасларини қисқартириш тўғрисидаги битимларни тайёрлашга дарҳол ўтишни таклиф қилди. СССР ўзининг самимийлиги ва холис ниятда эканлигини яна ҳам ишонарлироқ исботлаш учун Европада ўртача олисликка учириладиган ўз ракеталарини бундан буён жойлаштиришни ҳамда бошқа жавоб чораларини амалга оширишни шу йилнинг то ноябрь ойигача бир томонлама тартибда тўхтатиб қўйишини эълон қилди.

Модомики аҳдлашиб олиш нияти бор экан, бутун дунёда муҳим ва конструктив холис ният ифодаси деб баҳоланган СССРнинг мана шу таклифлари ва ҳаракатларига ёпишиб олиш керакдек эди. Аммо АҚШ маъмурияти мутлақо тушуниб бўлмайдиган шошма-шошарлик билан дарҳол ўзининг салбий муносабатда эканлигини билдирди, — бизнинг ҳаракатларимизни «пропаганда» деб таърифлади. Шундай шароитда АҚШнинг Женева музокараларидаги ниятлари самимийлиги хусусида шубҳа қилмай бўладими?

Совет Иттифоқи Женевада конкрет аҳдномаларга эришиш учун астойдил интилмоқда ва Совет-Америка муносабатлари нормал ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда ўзаро ҳурмат ўзанига қайтишини истамоқда, деди М. С. Горбачев. У буни АҚШ конгресси ва маъмуриятига етказишни конгресс аъзоларидан илтимос қилди.

Спикер О'Нил ва Американинг бошқа конгресс аъзолари АҚШ билан СССР ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишини ва Женевадаги музокаралар муваффақиятли давом этишини ёқлаб фикр билдирдилар. Улар бўлиб ўтган суҳбатдан ғоят мамнун эканликларини билдириб, уни ошкора ва фойдали деб баҳоладилар.

(ТАСС).

# НАЗАРИЯ ВА ПРАКТИКА БИРЛИГИ

«КПСС XXVI съезди: назария ва практика бирлиги» тўпламининг бешинчи нашри босмадан чиқди.

Тўплам КПСС билан Совет давлати раҳбарларининг 1984 йилда эълон қилинган мақолалари ва нутқларидан тузилган. Ана шу мақола ва нутқларда Коммунистик партия назарий фаолиятининг энг муҳим йўналишлари акс эттирилган, совет халқининг ўн биринчи беш йиллик планларини бажариш соҳасидаги муваффақиятли ишлари кўрсатилган.

Тўплам материалларида халқаро муносабатларнинг, жаҳон революцион жараёнининг, тинчлик учун курашнинг энг муҳим проблемалари ҳам чуқур тадқиқ этилади.

Тўпламни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

# Илмий конференция тугади

10 апрель куни Москвадаги Совет Армияси марказий уйида 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган илмий конференция ўз ишини тугатди. Конференцияда таниқли совет саркардалари ва тарихчилари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг олимлари, халқаро илмий бирлашмаларнинг вакиллари қатнашдилар.

Конференцияда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик П. Н. Федосеев якунловчи нутқ сўзлади. Совет ва чет эл олимларининг асарларида Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги, гитлерчилар фашизми устидан Ғалабага эришиш ҳамда халқларни фашистлар зулмидан озод этишда Совет халқи ва Қуролли Кучларининг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги тарихий ҳақиқат ҳар томонлама ёритилган ва асослаб берилган, яна бир карра яққол тасдиқланган, деди у.

Ўтган уруш тажрибасини ўрганаётиб, урушдан кейинги тарихни, ҳозирги замоннинг актуал проблемаларини тадқиқ этишни кучайтириш лозим, деб таъкидлади олим. Халқларнинг тинчлик ва ҳаётий манфаатлар учун агрессияга қарши урушдан кейинги кураш тарихини ўрганиш ва ҳар томонлама ёритиш — ҳозирги пайтда ядро қуролига қарши, урушга қарши ҳаракатнинг ғоявий воситасидир.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар. Улар душман пропагандасининг сохтакорлиги ва уйдирмаларини бундан буён ҳам сабот билан фош этиб бораверамиз, фашизм устидан абадий сўнмайдиган ғалабанинг буюк ва муқаррар аҳамиятини, уруш йилларининг қаҳрамонликларини актив пропаганда қилаверамиз, ҳозирги ва келгуси авлодни совет ватанпарварлиги, социалистик интернационализм руҳида тарбиялайверамиз, деб ваъда бердилар.

(ТАСС).

# ТУРМУШ ТАРЗИМИЗНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Совет кишилари КПСС XXVI съезди қарорларини изчил ҳаётга татбиқ этиб, коммунистик қурилишнинг улкан ва масъулиятли вазифаларини ҳал этмоқдалар. Партия ривожланган социализмнинг ҳозирги босқичида бутун идеологик ишни ана шу вазифалар даражасига кўтариш зарурлигини уқтиряпти. Меҳнат коллективлари ва аҳоли турар-жойларида олиб борилаётган оммавий-сиёсий, тарбиявий ишлар совет кишиларида юксак ғоявий эътиқод, маънавий баркамоллик, ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март (1985 йил) Пленумида идеологик ишни янада такомиллаштириш вазифалари кўрсатиб ўтилди. «СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЙРАТИ ВА СОЦИАЛ АКТИВЛИГИНИ ОШИРИШ, ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ РУҲИДАГИ ТАРБИЯ — БУТУН ИДЕОЛОГИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИДИР», деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев шу Пленумда сўзлаган нутқида.

Область партия ташкилотлари ҳам шу талаблар асосида идеологик ишни тобора такомиллаштириб борар эканлар, коммунистик тарбиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган атеистик пропагандани кучайтиришга, янги совет маросимлари ва урф-одатларини ҳаётга татбиқ этишга жиддий эътибор бераётирлар.

Ҳозир областимиздаги барча шаҳар ва районларда, қишлоқ ва посёлка Советларида янги маросимларни пропаганда қилиш ва меҳнаткашлар турмушига жорий этиш бўйича жамоатчи советлар ишлаб турибди. Улар фаолиятига партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, жамоатчилик вакиллари жалб этилган.

Кейинги пайтларда партия ташкилотлари атеистик тарбияни кучайтириш, янгича маросимларни тарғиб қилиш ва турмушга татбиқ этиш масалалари билан чуқурроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Ана шу ишларнинг аҳволи барча шаҳар ва район партия комитетларининг пленумлари, активлари ва бюроларида муҳокама қилинмоқда. Уларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилган. Янгича маросимлар, анъаналарни меҳнаткашлар турмушига сингдириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Бундай тавсиялардан шу масалалар билан шуғулланаётган жамоатчилик Советлари қўлланма сифатида фойдаланмоқдалар.

Янгича маросим ва урф-одатларни пропаганда қилишда «Билим» жамияти аъзолари, атеист лекторлар фаол иштирок этмоқдалар. 450 нафардан ортиқ лектор корхона, хўжалик, ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида суҳбатлар ўтказяпти.

Илмий атеизм билимларини тарғиб этишда жойлардаги 27 та халқ университетининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ана шу университетларда 3 мингдан кўпроқ тингловчи шуғулланяпти. Машғулотларда янгича маросимлар ва урф-одатларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига катта эътибор берилади.

Атеистик билимларни, замонавий маросимларни пропаганда қилувчи тарғиботчиларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Область лекторлар маҳорати университетининг илмий атеизм, янги маросимларни пропаганда қилиш ва ҳаётга жорий этиш бўйича факультетини ҳар икки йилда 60 киши тугаллаяпти.

Илмий атеизм масалаларига партия сиёсий маорифи системасида ҳам катта эътибор беряляпти. Ушбу ўқув йилида марксизм-ленинизм асослари бўйича 44 та мактабда илмий атеизм курси ўрганилмоқда. Уларда минг нафардан кўпроқ тингловчи янгича анъаналар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти тўғрисида ҳам муфассал маълумот оляпти.

Кишиларда илмий материалистик дунёқарашни шакллантириш, янгича анъаналарни турмушга кенг жорий этиш соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш, зарур тавсиялар ишлаб чиқишда жойларда мунтазам ўтказиб турилаётган илмий-амалий конференцияларнинг роли каттадир. Кейинги бир йил ичида ана шундай конференциялар Ўрта Чирчиқ, Бўка, Бекобод, Паркент, Чиноз, Оҳангарон районларида бўлиб ўтди. Шунингдек, йирик корхоналар, хўжалик ва муассасалар, ўқув юртлари партия комитетлари ҳам атеистик тарбия, тобора оммалашаётган анъаналарга бағишланган конференциялар ўтказмоқдалар.

Тошкент, Коммунистик, Бекобод, Пискент районларининг корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларида олимлар, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, маданий-оқартув муассасалари, жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳам меҳнаткашларда катта қизиқиш туғдиряпти. Уларда атеистик тарбиянинг ҳужумкорлиги ва жанговарлигини таъминлаш, янгича анъаналарни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашилмоқда.

Ҳозирги пайтда областимизда янгича маросимларни пропаганда қилиш ва турмушга жорий этишнинг хилма-хил, таъсирчан формалари қарор топган. Шаҳар ва районларда партия, давлатимиз тарихи билан боғлиқ саналарни, совет байрамларини тантанали нишонлаш анъанага айланган. Бу тадбирлар меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни социалистик Ватанга, Коммунистик партияга чексиз садоқат руҳида тарбиялашнинг таъсирчан воситаси бўляпти.

Тошкент, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари, Оҳангарон, Коммунистик районларида ишчилар, колхозчилар сафига қабул қилиш, ишчи сулолаларини шарафлашга бағишланган кечалар, Ўроқ ва Болға байрамлари сермазмун ва қизиқарли ўтади.

Янгича анъаналарнинг кўпчилиги меҳнат кишисини шарафлашга қаратилгандир. Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида химиклар, металлурглар, қурувчилар кунларига бағишлаб ўтказилаётган байрамлар шу жиҳатлари билан характерлидир. Бундай тантаналар пайтида социалистик мусобақа ғолиблари, меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатаётган ишлаб чиқариш новаторлари улуғланади. Бундай маросимларнинг аҳамияти каттадир. Улар ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини янада кучайтириш жуда муҳимдир. Тошкент, Янгийўл, Ангрен шаҳарларида шу мақсадда Улуғ Ватан уруши ветеранларини шарафлашнинг қизиқарли формасидан фойдаланиляпти. Бу шаҳарларда «Ветеранлар, орденларингизни тақинг!» деб номланган кечалар тантанали ўтказиляпти. Улар амалда мардлик, жасорат, қаҳрамонлик мадҳиясига айланиб кетмоқда.

Инсон ҳаётининг энг муҳим воқеалари билан боғлиқ гражданлик, оилавий-маиший маросимлар янгича анъаналар орасида муҳим ўрин тутади. Совет воқелигимиз бу маросимларга янгича мазмун бахш этди. Улар ҳозир турмушимиздан мустаҳкам ўрин олган. Жумладан янги туғилган чақалоқларни рўйхатга олиш, паспорт топшириш, никоҳни расмийлаштириш маросимлари замонамизга мос қилиб ўтказиляпти. Бу анъаналарга тантанаворлик руҳини бериш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Ҳозирги пайтда областимизда 106 та «Бахт уйи» ташкил этилган. Шаҳар ва районларда 3 та келин-куёвлар магазини ва 21 та магазинда ана шундай махсус бўлимлар ишлаб турибди. Оилавий ва гражданлик маросимларини ўтказишга хизмат кўрсатиш учун 47 та пункт ташкил этилган.

Тошкент шаҳрининг кўпгина маҳаллаларида, областимизнинг қатор қишлоқларида тўйларни ихчам, камчиқим, замонамизга мос қилиб ўтказишда яхши тажриба тўпланган. Бу маҳалла ва қишлоқларда тўйларни ичкиликсиз ўтказиш одат тусига кириб бораётганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Умуман янги маросимлардан ичкиликбозликка қарши курашни янада кучайтириш мақсадида фойдаланиш керак.

Атеистик тарбияни йўлга қўйиш, совет анъаналарини пропаганда қилиш ва ҳаётга татбиқ этишда амалга оширилаётган муайян ишларни қайд қилиш билан бир қаторда ҳали идеологик ишнинг бу соҳасида жиддий муаммолар, камчилик ва нуқсонлар ҳам учраётганлигини айтиш керак. Айрим жойларда янгича маросимларнинг ғоявий-тарбиявий аҳамиятига ҳали етарлича баҳо берилмаяпти. Ҳолбуки, замонавий маросимлар ўзида коммунистик дунёқараш ва ахлоқнинг энг ёрқин кўринишларини рамзий, таъсирчан шаклда мужассамлаштиргандир.

Шунинг учун партия ташкилотлари бундай маросимларни изчиллик билан пропаганда қилиш, уларни халқ турмушига чуқур сингдириш масалаларига эътиборни янада кучайтиришлари зарур. Партия комитетларида, умумий партия йиғилишларида атеистик тарбияни кучайтириш масалаларини мунтазам муҳокама қилиб бориш лозим.

Совет анъаналарини тарғиб қилишда «Билим» жамияти аъзолари, медицина, маданий-оқартув муассасалари кўп иш қилишлари мумкин ва лозим. Бунда маданият саройлари, клублар, кутубхоналардан янада яхшироқ фойдаланиш керак. Янгича анъаналарни турмушга татбиқ этишда тўпланган тажрибаларни умумлаштириш учун илмий-амалий конференциялар ўтказиб туриш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг самараси кўп жиҳатдан партия, совет органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари куч-ғайратларининг бирлаштирилишига, янгича анъаналарни пропаганда қилиш ва турмушга жорий этиш планли равишда, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда йўлга қўйилишига боғлиқдир.

Совет даврида социал, маданий, иқтисодий ҳаётимизда рўй берган чуқур сифат ўзгаришлари янгича анъаналаримизда ўз ифодасини топган. Улар чинакамига турмуш тарзимизнинг ёрқин кўринишларидир. Янгича, замонавий маросимлар ва урф-одатларни кенг меҳнаткашлар ҳаётига мустаҳкам сингдириб бориш коммунистик тарбия самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

